

## ПАХТА ТОЛАСИ МЕХАНИК ШИКАСТЛАНИШИНИНГ ЖИНЛАШ ЖАРАЁНИДАН КЕЙИНГИ ЎЗГАРИШИ

**Н.М.Маматисақова, Ф.Р.Танибердиев**

Тошкент тўқимачилик ва а енгил саноат институти

**Аннотация:** ушбу мақолада ҳозирги кунда Андижон вилоятидаги етиштирилаётган Андижон-36, ҳамда Хитой давлатидан олиб келинган 52-4, Хитой -31, Хитой -29 ва 52 селекция навлари қайта ишланди ва турли селекция навлари толасининг механик шикастланиш кўрсаткичи аниқланди.

**Калит сўзлари:** пахтани ғарамда сақлаш, атроф-муҳит ҳарорати, намлик ва ҳавонинг нисбий намлиги ошиб кетиши, механик шикастланиш

Пахтани далалардан теришдан бошлаб то уни тайёр маҳсулотга айлантиргунга қадар турли технологик жараёнлар таъсирида шикастланади. Натижада, ундан олинадиган ип ва газламалар сифатини бузилишига олиб келади. Бизга маълумки, толалар механик, биологик ва аралаш шикастланишларга эга бўлади. Агар технологик жараёнлар таъсир этса тола механик шикастланишга эга бўлади, пахтани ғарамда сақлаш, атроф-муҳит ҳарорати, намлик ва ҳавонинг нисбий намлиги ошиб кетиши натижасида турли микроорганизмларнинг пайдо бўлиши ҳисобига толалар биологик шикастланади. Агар толада механик ва биологик шикастланишлар миқдори ортиб кетса, ундан олинадиган ипларнинг сифати ҳам ёмонлашади.

Пахтани териш ва уни дастлабки ишлаш корхоналарида механик таъсирлар натижасида толанинг сифат кўрсаткичлари бузилади. Толалар қанчалик кўп шикастланса унда олинадиган тайёр маҳсулоти сифати шунчалик ёмонлаша боради.


Пахтани дастлабки ишлаш жараёнида тозалаш, жинлаш, толани тозалаш ва преслаш жараёнларида толалар механик шикастланади. Агар пахта толасининг механик шикастланиш миқдори ошиб кетса, биринчидан толанинг узунлиги, мустаҳкамлиги камаяди, иккинчидан калта толалар миқдори ошиб кетади. Натижада, ипнинг сифати бузилади. Ундан ташқари, тола кўринарли, кўринмас шикастланишга эга бўлади. Агарда толада механик шикастланиш кўринарли ҳолатда бўлса, қисқа технологик жараёнда тола сифати бузилади, агар толада

механик шикастланиш кўринмас ҳолатда бўлса, қайсидир бир технологик жараёндан кейин, яъни балки йигириш, балки ипни қайта ўраш, балки тандалаш, балки охорлаш, балки тўқувчилик жараёнида келиб чиқади. Бу нарса хомашёдан олинадиган тайёр маҳсулотлар сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Пахта толасининг шикастланиши бўйича бир қанча олимлар иш олиб боришган бўлиб, улардан А.И.Бояркин, Л.Н.Баленький, М.А.Хожинова ва бошқалардир.

Шу сабабли, пахта тозалаш корхоналарида сифатли хомашё олиш учун турли селекция навларидан намуналар олинди, лаборатория шароитида толанинг пишганлик даражасига қараб, уларнинг механик шикастланишлар миқдори микроскоп ёрдамида тадқиқ этилди.

Тадқиқот натижалари асосида 1-расмда турли истиқболли селекция навлари толаси механик шикастланишининг ғарамдаги ва тойлаш жараёнидан кейинги ўзгариш графиклари келтирилди.



Селекция навлари

1-ғарамдаги; 2-1,5-2,5-тойланган пахта.

1-расм. Турли истиқболли селекция навлари толаси механик шикастланишининг ғарамланган пахта ўзгариши.

Олинган синов натижаларини ғарамдаги пахта толасининг кўрсаткичларига нисбатан, Андижон-36 селекция навли толанинг механик шикастланиши 72,0%га, 52-4 селекция навли толанинг механик шикастланиши 72,4%га, Хитой-31 селекция навли толанинг механик шикастланиши 75,0%га, Хитой-29 селекция навли толанинг механик шикастланиши

80,8%га, 52 селекция навли толанинг механик шикастланиши 76,0%га ошди.

Пахта толасининг механик шикастланиши ортиши ҳисобига, биринчидан толанинг узунлиги, узилиш кучи камаяди, калта толалар миқдори ортиб кетади. Натижада, ундан олинадиган ипнинг кўрсаткичларига салбий таъсир этмасдан қолиш мумкин.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, пахтани дастлаб ишлаш жараёнидан кейин толанинг механик шикастланиши Хитой-29 ва 52 селекция навларида бошқа селекция навли пахта толасининг кўрсаткичига нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ochilov T.A., Matmusayev U.M., Qulmetov M.Q. To‘qimachilik materiallarini sinash. Toshkent, “O‘zbekiston”, 2004. 224 б.
2. Шустов Ю.С. и др. Текстильное материаловедение лабораторный практикум. Учебное пособие., Москва, ИНФРА-М, 2011.-360 с.
3. Кирюхин С.М., Шустов Ю.С. Текстильное материаловедение. Москва «КолосС», 2011. С.360.
4. T.A.Ochilov, U.M.Matmusayev, M.Qulmetov. To‘qimachilik materiallarini sinash. Toshkent, “O‘zbekiston”, 2004. 224 б.
5. Шустов Ю.С. и др. Текстильное материаловедение лабораторный практикум. Учебное пособие., Москва, ИНФРА-М, 2016.